

---

## Италияning Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси Марғилонда

Бугун Италияning Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси Агостино Пинна Марғилон шаҳридаги Ҳунармандлар марказига ташриф буюриб, уста ҳунармандларимиз томонидан ипакдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тайёрланиш жараёни билан танишдилар.

Меҳмонларнинг эътиборини тортган асосий жиҳат пилла қуртини парваришлашдан то тайёр маҳсулот шаклига қадар амалга ошириладиган барча босқичларни марказлашган ҳолда ташкил этилганлиги бўлди.

Қолаверса, уста гиламдўзлар томонидан тўқилаётган гиламларимиз ҳам катта таассурот қолдирди.

Ташриф давомида Италияда ҳам ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида келгусида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан келишиб олинди.

2024-05-18 16:14:17